

ХАТИРЧИ НАҲОТИ

Иjтимоiй-сiйосiй газета

1932-йилдан чиқа бoшлаган

№ 24 (8025) 2019-йил 26-йул

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ЭП ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ АМАЛДА

Юртимизнинг барча гўшаларида-чекка қишлоқларда ҳам бугун ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу каби ишларнинг амалга оширилиши халқимизнинг яшаб шароитларини янада яхшилашни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4201-сонли қарорига асосан Хатирчи тумани ҳокимининг 2019 йил 1 март куни Қ-1921-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан дастурга тумanning "Лангар", "Боғишамол" ва "Тамабахрин" қишлоқлари киритилиб, ушбу ҳудудлардаги ижтимоий соҳа, йўл инфратузилма объектлари, коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш, аҳоли хонадонларини, шу жумладан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар хонадонларини тартибга келтириш ишлари бажарилмоқда. Хусусан, Боғишамол қишлоғи бўйича 564 та хонадонда 2442 нафар аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Ушбу уй-жойларга тумандаги ташкилотлар бириктирилиб, ҳозирги кунда 381 та уй-жойларнинг фасад қисмларини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Муҳандислик коммуникациялари бўйича 17,8 км. газ тармоқларидан 2.8 км., 5.8 км.

электр тармоқларидан 1 км., 20 км. ичимлик сув тармоқларидан 6 км. қисмини тортиш ишлари бажарилмоқда, шунингдек, 13,1 км. йўлларни қуриш режалаштирилган бўлиб, ички йўлларнинг 8,3 км. қисмида шағаллаштириш ишлари тугатилди.

Қишлоқда 10 та намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларда гишт териш ишлари тугатилиб, сувоқлаш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, маҳалла, ҚОП, МТМ бинолари янги қурилаётган бўлса, ҳудуддаги 78 ва 18-мактаб бинолари мукаммал таъмирланмоқда.

Тамабахрин қишлоғида 604 та хонадонда 2630 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ҳам 513 та уй-жойларнинг фасад қисмларини таъмирлаш ишлари олиб борилди. Муҳандислик коммуникация линиялари бўйича 21,3 км. газ тармоқларидан 4.3 км., 6 км. электр тармоқларидан 2.1 км., 17 км. ичимлик сув тармоқларидан 16 км. қисмини тортиш ишлари бажарилмоқда, шунингдек, 16.2 км. йўлларни қуриш режалаштирилган. Ҳозирги кунда 10 км. ички йўлларни шағаллаштириш ишлари бажарилди.

Қишлоқда 10 та намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларда ташқи ва ички сувоқлаш ишлари бажарилмоқда. Ҳудуддаги маҳалла, ҚОП ва 22-мактаб биноси мукаммал таъмирланмоқда.

Ш. УМАРОВ.



Хатирчи тумани БЎСМ да "Ёзни спорт билан ўтказамиз" шиори остида шахмат, шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда 80 нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этишди. Мусобақа ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги қарори билан "2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Хатирчи туманини комп-

йўналишларидан этиб белгиланди. Қарор билан Дастурни молиялаштириш манбалари тасдиқланди.

Шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўр-



Туман тиббиёт коллежида Навоий вилояти прокурори Ш. Аминов, Хатирчи тумани ҳокими Ғ. Алиев ва бошқа масъул шахслар иштирокида ўтказилган сайёр учрашувда аҳоли томонидан тушган мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг аксарият қисми жойида ҳал этиш чораси кўрилди.

А. ҲАМИДОВ
олган сурат.

АЛИМЕНТ ҚАНДАЙ УНДИРИЛАДИ?

-Навоий шахридан қишлоғимизга келин туширган эдик. Келиним ўғлим билан 8 йил турмуш қуриб, 3 нафар фарзандлик бўлгач, "мен қишлоқ шароитида ортиқ яшолмайман" деб фарзандларини ташлаб ота-онасиникига кетиб қолди. Сўнг судга бериб, болалари учун алимент ундириш ҳақида ҳам қарор чиқариб олди. Мана, ўғлим олти ойдан бери алимент тўлаб келмоқда. Лекин болалари биз билан яшайди. Уларни боқиш, кийинтириш бизнинг зиммамизда. Онаси келиб хабар олмайди. Шу муносабат билан

нинг қарамоғида бўлса ҳам, алимент ундирилдими? Н. ҒОҒУРОВА.

- Амалдаги қонунчиликка биноан, эр-хотин ажралмасдан туриб ҳам (никоҳ бекор қилинмаса-да) фарзандларни боқиш учун алимент ундирилиши мумкин. Эр-хотин бирга яшайдими, алоҳидами, бунинг аҳамияти йўқ. Аммо алиментни болаларни боқаётган ота ёки она олиши керак. Шунга кўра сиз баён қилаётган вазиятда алимент нотўғри ундирилмоқда. Уни бекор қилиш учун алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарган судга мурожаат қилиш зарур.

САВОЛ БЕРИНГ. ЖАВОБ БЕРАМИЗ

шиб, болалар ҳақиқатдан ҳам отаси қарамоғида яшаётганлигини ҳужжатлаштириш зарур.

Бундан ташқари, қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, бу фактни расмийлаштириш зарур. Масалан, болалар отаси билан фалон пайдан бошлаб яшаб келаётганлиги ҳақида далолатнома тузиш ва бу ҳақда бир неча кўшнилardan тушунтириш хати ёздириб олиш, болалар боғчаси ёки мактабга бораётган бўлса, ушбу муассасалардан маълумотнома олиш мумкин.

Қонунчиликда белгиланишича, алиментни фақат ота тўламайди. Агар болалар отанинг қарамоғида бўлиб, уларни моддий таъминлаш-

ФАРМОН ВА ИЖРО

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МУҲИМ МАСАЛА

Мамлакатимиз аҳоли сонини аниқ ҳисоблаб чиқиш, уларнинг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти, турмуш даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармон имзоланди.

Мазкур Фармон мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилажак асосли ва ишончли маълумотлар базасини яратиш, республикадаги ижтимоий вазиятга янада ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Чунки маҳаллий ҳамда хорижий компанияларнинг самарали фаолиятида ҳудудлардаги реал ҳолатни билиш, прогноз қила олиш муҳим омиллардан саналади.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган концепцияга асосан, Ўзбекистонда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилади.

Концепция 8 боб, 29 банддан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида масъул ташкилотларга тегишли вазифалар белгилаб қўйилган ва аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ваколатли орган эса Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисобланади.

Мазкур жараён 3 босқичда амалга оширилиши назарда тутилиб, аҳолини рўйхатга олиш баробарида, яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу ҳудудларда ҳариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала. Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Бу вилоятимизнинг янги, мукаммал кадастр харитаси яратилади деганидир. Бундан ташқари, фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика ва жойларда ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.